

**PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF TEACHING
STUDENTS ENGLISH LANGUAGE AS A FOREIGN LANGUAGE USING
COMPUTER TECHNOLOGIES**

¹Rakhimov Bakhtiyor Khudoiberdievich, ²Burkchiev Olim Boboevich, ³Egamberdiev Asilbek
Kuzikhaidarovich

Doctor of Pedagogy, Professor of Gulistan State University¹, Senior lecturer of Gulistan State University²,
Deputy Director of the Sports College of Olympic Reserves of Gulistan State University³

ABSTRACT

This article is written for the theoretical justification of the psychological and pedagogical foundations of teaching English to non-philologists using computer technologies. The article defines and solves the following tasks: analysis of the use of ICT in the activities of English language teachers in higher educational institutions; Determination of the pedagogical goals of using ICT in the process of teaching English in an individual-oriented approach; determination of the requirements for the structure, content and organization of educational materials in English lessons using ICT tools; Development and experimental analysis of the effectiveness of pedagogical conditions for the use of ICT in order to improve the quality of English language teaching in higher educational institutions.

Keywords: higher educational institutions, ICT, English language, language teaching

INTRODUCTION

Тадқиқотнинг долзарблиги. Замонавий таълим сиёсати халқаро алоқалар, жумладан, мамлакатимизда хорижий давлатларнинг нуфузли таълим муассасаларининг филиаллари очилиши, мамлакатимизга хорижий инвеститсияларнинг кириб келишини жадаллаштириш ОТМларида етиштирилаётган кадрларнинг хорижий тил кўникмаларини ривожлантириш жараёнларини фаоллаштирди. Бугунги кунда таълим, илмий, маънавий, ва ижтимоий-маданий фаолият соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот майдони кенгайиб бормоқда, бу эса кўп томонлама ахборот алмашиш имкониятини беради. Бу борада республикаимизда ҳам, хорижда ҳам таълим соҳасида янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Хозирги кунда мамлакатимиздаги кўплаб ОТМлар талабаларини нафақат мутахассисликни пухта эгаллаши ва шу билан бир қаторда хорижий тилида сўзлашувчи кадрлар тайёрлашни ўзларининг устувор фаолият йўналишларидан бири деб ҳисоблайдилар. Замонавий шароитларда талабаларга хорижий тилини ўргатиш нафақат ўқитувчиларнинг махсус касбий тайёргарлигини, балки ўқитишнинг ўзига хос шакл, метод ва воситаларини ҳам талаб этади. Бу йўналишда бир қатор педагогика факултетлари мавжуд бўлиб, уларда инглиз тили ва адабиёти ўқитувчилари талабалар, докторантлар, стажёрлар билан касбий фаолият олиб бориш учун тайёрланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Таълимни ахборотлаштиришнинг назарий, услубий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқот бўлишига карамай, шу билан бирга, талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил етиш, шу жумладан тил саводхонлигини ривожлантириш масалалари етарлича ўрганилмагандир.

Республика олий ўқув юртлари тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, талабалар ва ўқитувчиларда мутахассисларни тайёрлашда замонавий талабаларга жавоб берадиган, заруррий билим даражаси зарур. Шунинг учун келажакда мутахассислар ва инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда АКТдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув жараёнини компютерлаштириш ва янги ўқув ахборот технологияларидан фойдаланиш учун кадрлар тайёрлашга бағишланган тадқиқотлар мазмуни А.Абдукодиров, М.Арипов, Б.Бегалов, У.Бегимкулов, М. Мамаражҳабов, Н.Н.Хожиходжаева, В.Л. Акуленко, Е.С. Полат, Р.Ҳ. Джурраев, Р.К.

Потапова , И.Р. Роберт, П.В. Сисоев , Кадирова М.Р , С.Ширматов , Ширин Генри, Уренн, Чарлз Лесли , У.К.Толипов , Е.Н.Воронова , Т.В.Карамышева , А.С Карпов , Т.Сергеева ва бошқалар ишларида ўз аксини топган бўлиб, ушбу олимлар ўз илмий тадқиқотларида педагогик мақсадга мувофиқлиги, имкониятларни ўрганиш, АКТни ривожлантириш ва фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари масалалари очиб беришган. .

MAIN PART

Чет тилини ўқитишда маҳаллий ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу тизим замонавий компьютер технологиялари туфайли такомиллаштирилиши мумкин. Ҳозирги кунда инглиз тилини нофилологик йўналишларда хорижий тил сифатида ўқитиш тизими замонавий жамият эҳтиёжларини тўлиқ қондирмайди. Шундай қилиб, тилни ўрганиш самардорлигини ошириш учун компьютер технологияларини педагогик амалиётга жалб қилишнинг ўзи ҳам етарли эмас. Ушбу технологияларни назарий тушуниш даражаси ва амалиётга бўлган эҳтиёж, тўпланган тажриба ва педагогика фанининг ҳозирги ривожланиш даражаси ўртасида аниқ тафовут мавжуд.

Хорижий тилларни ўқитиш муаммоси бўйича бир қанча тадқиқотлар мавжудлигига қарамай талабаларнинг касбий тайёргарлиги ахборот-таълим муҳитида ҳал этилмаган қуйидаги ноаниқликлар мавжуд:

- таълимни дунё миқёсида рақамлаштириш ва нано технологиялардан самарали фойдаланиш муаммосини назарий ва амалий ишлаб чиқиш етарли эмаслиги муносабати билан ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида нофилологик йўналиш талабаларини чет ўқишга бўлган мотивациясини кучайтириш зарурияти;
- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг талабалар билан ишлашда ахборот технологиялари соҳасида етарлича амалий малакага эга эмаслиги ва ўқитувчиларда ахборот технологиялари билан ишлашга тайёрлашда тизимли назарий билимларнинг йўқлиги;
- чет тилини профессионал даражада гапирадиган мутахассисларга бўлган ҳозирги эҳтиёж ва глобал рақамлаштирилган таълим муҳитида чет тилини ўқитишда фойдаланиладиган самарали электрон онлайн ўқув курсларининг камлиги;
- автоматлаштирилган ўқитиш технологияларининг имкониятлари, талабаларнинг ушбу технологияларга бўлган шахсий эҳтиёжлари ва нофилологик таълим йўналишлари талабаларига инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишнинг ҳақиқий педагогик амалиёти, бу асосан анъанавий ёндашувлар асосида қурилган ва компьютер ресурсларидан етарли даражада фойдаланмаслик;

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот муаммоси белгиланиб, уни қуйидагича шакллантиришимиз мумкин: яъни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда талабаларга инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот муаммоси ҳам унинг мақсадини белгилаб беради, яъни инглиз тилини талабаларга компьютер дастурлари асосида ўқитишнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш, нофилологик йўналиш талабаларини ахборот-таълим муҳитида миллий таълимдаги ахборот ва рақамли тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда хорижий тилдаги касбий тайёргарлигини амалга ошириш ,бу вазифалар эса мавжуд психологик-педагогик касбий амалиётга нисбатан самаралироқдир.

Тадқиқот объекти-ОТМларнинг нофилологик таълим йўналишлари талабаларга инглиз тилини ўқитиш жараёни.

Тадқиқот предмети- ОТМларнинг нофилологик таълим йўналишлари талабаларга инглиз тилини компьютер дастурий воситалари ёрдамида ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг умумий фарази нофилологик йўналиш талабаларида инглиз тилини компьютерда ўқитиш жараёни энг самарали фаолият кўрсатиши тахмин қилинишига асосланади, бу эса қуйидаги тил муҳотида фаол ишлаш имкониятини беради агар:

- амалдаги таълим стандартлари талабаларига мувофиқ равишда тадқиқот муаммосини назарий таҳлил қилиш асосида нофилологик таълим йўналиши талабалари учун чет тилини ўқитишнинг моҳияти ва тузилишини аниқлаш; ва- бу жараённинг мақсади “ талабанинг тил муҳотида ўрганишга тайёрлиги”;
- мавзумазмуни компютертехнологияларидан фойдаланишга мослаштирилади;
- тил муҳотининг компютер симуляцияси яратилса, нофилологик таълим йўналишларида хорижий тилларни масофадан туриб ўқитиш самарадорлиги сезиларли даражада ошади, бу нофилологик таълим йўналиши талабаларинининг ўрта даражадаги тил билиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам берадиган мустақил электрон ресурс сифатида қаралиши мумкин;
- виртуал таълим платформалари нофилологик таълим йўналишлари талабалари чет тилини мукамал ўрганиши муҳим воитаси сифатида масофавий ўқишни оптималлаштирадиган ва кучайтирадиган, Хорижий тилни ўрганишга лаёқати бўлмаган талабаларни лингвистик компетентлигини таъминлайдиган интерфаол электрон ўқув муҳоти, қўлланмалар ва симуляторларни яратиш учун инновацион асос бўлиб хизмат қилади.
- компютер воситалари ёрдамида ўқитиш сифати самарадорлиги ва ўқитувчиларнинг компютер технологияларини қўллашдаги касбий маҳорати, уларнинг АКТ ўқув дастурларидан фойдаланиш ва маълумотларини қайта ишлашга тайёрлиги билан таъминланади.
- талабаларни тилни ўрганишга тайёрлаш учун психологик ва педагогик шароитлар яратилади.

Ушбу мақсадга эришиш ва фаразларни синаб кўриш бўйича қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

1. Масофадан ўқитишнинг типологик хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш таълимга масофадан киришни амалга ошириш шакли сифатида қараш.
2. Дидактик тизимнинг асосий таркибий қисмлари ва хорижий тил ўқитишда масофавий ўқув курсининг мақсадли йўналиши ва тузилишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш.
3. Масофавий ўқитиш тизимининг умумий типологиясини ишлаб чиқиш, асосий турларнинг характеристикаларини тавсифлаш ва тизимлаштириш
4. Талабаларда лингвистик компетентликни ўқитишда масофавий ўқитиш тизимларни татбиқ этишнинг замонавий технологиялари ва воситаларини хорижий тадқиқотчиларининг тадқиқотлари асосида

лингвистик ва услубий таҳлил қилиш, маданий ва лингвистик таълимнинг мақсад ва вазифалари нуқтаи назаридан самарали фойдаланишни амалётга кенг тadbиқ этиш.

5. Педагогик амалиётда виртуал таълим муҳитини лойиҳалаш ва амалий қўллаш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганиш, компютер платформаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва услубий салоҳиятини баҳолаш.

6. Компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг тил муҳотида ўрганишга тайёрлигини ривожлантирувчи ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини шакллантириш учун психологик-педагогик шарт-шароитларни аниқлаш.

Ушбу тадқиқотнинг назарий асослари фанлар мажмуасига асосланган қоидалардан иборат :

- педагогик тизимларни структуралаш назарияси, таълим –тарбия жараёнининг яхлитлиги;
- мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини бошқариш назариялари;
- ўрганиш, билиш психологияси;
- замонавий компютер тилшунослиги ва информатика;
- прогнозлаш назарияси ва ОТМларнинг педагогик лойиҳалаш виртуал таълим тизими;
- олий таълимда тармоқ технологияларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар;
- шахсва компютер технологияси ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатлари;
- таълимтизимида компютер тизимларидан фойдаланишнинг турли хил жараёнлари, методлари, ваусуллари.

Тадқиқотнинг методологик базаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахсва унинг ривожланиши назарияси, ажралмас педагогик жараён назарияси, шахсни шакллантиришга фаол ёндошиш, шахсни шакллантириш ва шакллантириш муаммолари, муаммоли ва фаол ўрганиш усуллари, касбий ижодий фаолият назариялари ва касбий аҳамиятга эга бўлган муаммолар ва вазифаларни ҳал қилиш, вауларни шакллантириш муаммолари. Олий таълимнинг кўпbosқичли тизими ва ўқитиш технологияси, психология ва таълим психологияси маълумотлари;
- хорижий тилларни ўрганиш ва ўқитишнинг замонавий тушунчаларини назариялари;
- интернет дахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича касбий фаолият ва таълимга оид материалларни ўрганиш;
- инглиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолияти жараёнида ишлади ган компютер воситаларини таҳлил қилиш;

Тадқиқот билиш фаолияти ва унинг шаклланиши, ривожланиш таълим муаммолари, билим эҳтиёжлари ва қиймат кўрсатмаларини шакллантириш йўллари ишлаб чиқиш, онтогенезда шахсни ижтимоийлаштириш-индивидуаллаштиришни ривожлантириш, бўлажак ўқитувчининг тадқиқот маданиятини ривожлантириш, касбий фаолиятга тайёрликнинг илмий асослари, ўқитувчиларнинг касбий ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳақидаги билимларга таянади.

Ишда куйидаги тадқиқот усуллари қўлланилади:

- Касбий педагогика ва психология бўйича замонавий адабиётларнинг назарий таҳлили, унинг семантик аниқланиши;
- чет тилини ўқитиш ва ўрганиш, коммуникатив компьютер лингвистикаси, компьютер технологиялари бўйича махсус адабиётлар;
- идеаллаштириш, моделлаштириш, илмий прогнозлаш ва олий ҳалаш, диагностика ва монографик тавсифлаш; мантиқий ва эпистемологик методлар (кузатишлар, тажрибани ўрганиш, педагогик тажрибалар);
- диагностика усуллари (тест, анкеталар, мустақил хусусиятларини умумлаштириш) маълумотларни йиғиш усули асосида, компьютер ёрдамида чет тили ва инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда инновацион педагогик тажрибани умумлаштириш, компьютерлардан фойдаланган филологик таълим йўналишлари талабаларнинг коммуникатив-нутқива фаолиятини кузатишнинг эмпирик усуллари, талабаларнинг ўқув фаолиятини психологик-педагогик ва диагностика-статистик таҳлил қилиш, эксперимент натижаларини сифатли ва миқдорий таҳлил қилиш. талабалар ўқув фаолияти, тажрибанатижаларини таҳлил қилиш.

Тажриба синов ишларида 200 дан ортиқ 1 ва 2 курс талабалари қатнашдилар, улар орасидан тажриба ва назорат гуруҳлари тузилди.

Тадқиқот босқичлари куйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчи босқичда таълимни ахборотлаштириш шароитида инглиз тилини ўрганишда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш муаммолари бўйича илмий-педагогик ва ўқув-услубий материаллар таҳлили ўтказилди.

- Инглиз тилини ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланишнинг психологик-педагогик мақсадлари аниқланди ва инглиз тили дарсларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув материалларининг таркиби, мазмуни ва ўқув фаолиятини ташкил этиш талаблари ишлаб чиқилди.
- Муаммога назарий ва амалий ёндашувлар асосида аниқлик киритилди, кенг библиографик материаллар ўрганилди, адабий ва бошқа манбалар таҳлили ўтказилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот мавзуси шакллантирилди, унинг муаммоси, объекти, предмети, мақсади, гипотезаси, вазифалари аниқланди, методология ва тадқиқот усуллари танлаш асосланди.

Иккинчи босқичда:

- Талабаларни ўқитишнинг асосий йўналишлари, ўқитувчиларнинг касбий фаолият даяъни инглиз тили дарсларида АКТ воситаларидан фойдаланиш аниқланиб иллюстрация ва топшириқларга эга бўлган ахборот тизими ишлаб чиқилди;
- Талабаларнинг ўз касбий фаолиятида АКТдан фойдаланиш стагисини танлашдан ўтказилди, тадқиқот методологияси ишлаб чиқилди.

Учинчи босқичда инглиз тили дарсларида замонавий АКТ воситаларидан фойдаланиш бўйича тажриба ишлари олиб борилди.

Тажриба давомида суҳбат, тест, дебат, ўйин ва баҳс-мунозара каби тадқиқот усулларидан фаол фойдаланилди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, замонавий Ақтдан янги педагогик ишланмалар билан биргалликда фойдаланиш таълим самарадорлигини ва ишлаб чиқаришга тайёр кадр бўлиб борадиган бўлажак мутахассисларнинг замонавий фикрлаш тарзини шакллантиришдаги ролини сезиларли даражада оширади.

Шунингдек, тажриба ишлари дастлабки назарий тахминларни тасдиқлайди ва ишлаб чиқилган методдан хорижий тилини ўрганишда ўқитиш самарадорлигини ошириш ва талабаларнинг ахборот маданиятини оширишда фойдаланиш мумкин.

CONCLUSION

Тадқиқотимиз натижасида эришилган энг муҳим натижалар, уларнинг илмий янгилиги ва ишнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, биринчи мартаба олий таълим тизимида компьютер технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлган профессионал тайёрланган ўқитувчи томонидан хорижий тилни виртуал технологиялар ёрдамида ўқитишни илмий асосларини синтез қиладиган назарий ва амалий концепция ишлаб чиқилган:

- "талабаларнинг тил ўрганиш муҳитида тайёрлаш" концепцияси ишлаб чиқилди, шу жумладан турли соҳаларда (таълим, маиший, касб-хунар, ижтимоий-маданий) хорижий тилни алоқа воситаси сифатида қўллаш, бу компьютер технологиялари воситасидаги ўқув жараёнининг педагогик мақсадларини белгилашда хорижий тил ўқитувчисининг касбий компетентлигини сезиларли даражада кенгайтиради;

- ўқитувчининг касбий маҳоратини белгиловчи компьютер дастурлари, махсус компьютер ўқув курслари, электрон дарсликлар, мултимедиа дарсликлари, интернет манбаларига тузилишини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини ахборот ўқув материалга мослаштириш тамойилини ишлаб чиқди;

- олий таълимда хорижий тилини компьютер технологиялари ёрдамида ўқитишнинг методик таъминотини интеграциялаш;

- талабаларнинг олий таълимда ўқишга тайёрлигини ривожлантиришда педагогик мақсадларга эришишнинг муҳим омили сифатида компьютер технологияларидан фойдаланишда чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратининг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олган компьютернинг дидактик манбаи мазмунининг мақбул концепцияси ишлаб чиқилди;

- инглиз тилини компьютер дастурлари ёрдамида ўқитиш жараёнини ташкил этишда инглиз тилида ўқитувчи-мутахассиснинг касбий лаёқатларининг динамик модели ушбу лаёқат турларининг ўзаро боғлиқлиги сифатида тавсифланади: интернетда ишлашни таъминлайдиган компьютер дастурларидан фойдаланиш қобилияти; интернет манбалари ҳақида етарлича билмга эга бўлиш (тил ўрганувчилар учун халқаро лойиҳалар, масофавий таълим тизимлари, оммавий онлайн очик курслар); ўқув материалларини ишлаб чиқишнинг махсус усули сифатида веб-саҳифаларни яратиш ва уларнинг ишлаш принципларини билиш;

- интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда инглиз тилини чет тили сифатида компьютерда ўқитиш жараёнининг ташкилий шакллари тизими тақдим этилди, у турли дарсларнинг (мултимедиа, интерфаол интернет, виртуал алоқа) интеграциялашган бўлиб, бу олий таълимнинг профессионал йўналтирилган дидактикасида чет тилини ўқитиш шакллари тузилиш учун янги имкониятларни очиб беради;

- нутқнинг турли жиҳатларини, инглиз тилининг лингвистик муҳитдан ташқарида мустақил муаммоли-ситуацион ўрганиш, касбий ва шахсий фазилатларнинг ривожлантиришга йўналтирилган компьютер технологияси(ўқитиш платформаси) яратилди;

- ишлаб чиқилган онлайн ўқитиш платформаларининг ўзгарувчанлик омиллари талабаларнинг шахсий мақсадларига, ўқитишнинг мазмуни ва шаклига, инглиз тилидан касбий фаолиятда фаол фойдаланиш учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда ўқитувчи билан доимий мулоқотда бўлиш имкониятларига боғлиқ ҳолда аниқланди.

REFERENCES

1. Абдукадиров А.А., Теория и практика интенсификации подготовки учителей физико-математических дисциплин: Аспект использования компьютерных средств в учебно-воспитательном процессе: диссертация ... доктора педагогических наук : 13.00.01, Ташкент. гос. пед. ин-т им. Низами, Ташкент, 1990, pp. 312-334.
2. Андрюнина М.В., Языковая культура как инструмент социального воспитания Available: http://www.rusnauka.com/23_SND_2008/Pedagogica/26653.doc.htm.
3. Арипов М., Бегалов Б., Бегимкулов У., Мамаразхабов М. Ахборот технологиялари. -Ташкент.: "НОШИР", 2009. – п. 368.
4. Азизходжаева Н.Н. Вопросы подготовки учителя в системе непрерывного педагогического образования. - Ташкент: ТГПИ, 1995. – п.64.
5. Бабаскина, Е. Г. Методика овладения переводческой стратегия посредством развития познавательной активности студентов: на примере дисциплины «Предпереводческие практикум»: автореф. дис.... канд. педагог. наук: 13.00.02. – Москва: 2011. – ст. 6-23.
6. Батракова Е. Б., Нейролингвистическое программирование как способ обучения языку.
7. Бегимкулов У.
Повышение квалификации педагогических и управленческих кадров высших образовательных учреждений. Ўзбекистон олий таълим тизимида кадр ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш.
Ташкент - 2014, pp. 5-12
8. Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ. – Ташкент: Фан, 1992. – п.259.
9. Галскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика / Учеб. пособие для студ. лингв. уни-тов и фак. ин. яз. висш. пед. учеб. заведений. – 5-й изд. – М.: Изд. Центр «Академия», 2008. pp. 336.
10. Карамышева Т.В. Изучение иностранных языков с помощью компьютера: в вопросах и ответах. СПб, 2001.
11. Карпов А.С. Интернет в подготовке будущих учителей иностранного языка. Иностранные языки в школе, 2002, Но.4. pp.60-64.
12. Кашина Е.Г., Традиции и инновации в методике преподавания иностранного языка / Учеб. пособие для студентов филол. факул. уни-тов. Самара: Изд-во «Универс-групп», 2006. pp. 43-75.
13. Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании: дидактические проблемы, перспективы использования. -М.: Школа-Пресс, 1994. – п.321.
14. Роберт И.В. Теоретические основы создания и использования средств информатизации образования: Автореф. дис. док. пед. наук. М.: 1995. – п.40.

15. InogamovaDilfuza, RustamovaNodira. Using of Interactive Teaching Methods in The Process of Self-Education of Future Teachers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation (2020) ISSN:1475-7192, Volume 24, Issue 9, pp. 447-454. <https://www.psychosocial.com/article/PR290052/21295/>.
16. РустамоваНодираРустамовна. (2020). Training of Students Of Cognitive Processes Based On Vitagen Educational Situations. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(8s), 869 - 872. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10834>.
17. Рустамова Н.Р. Development Of Technology Based On Vitagenic Experience Using Media Resources In Higher Educational Institutions Students Teaching. International Journal of Scientific & Technology Research, Volume 9, Issue 4. Aviable to: <http://www.ijstr.org/final-print/apr2020/Development-Of-Technology-Based-On-Vitagenic-Experience-Using-Media-Resources-In-Higher-Educational-Institutions-Students-Teaching.pdf>.
18. КадироваМунираРасуловна, Пулатовна, ЕргашеваШахло . Modernization of Creative Competence of Students in Medical Higher Educational Institutions. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020, Vol. 24 Issue 1, p1721-1733. 13p. 2 Charts. Aviable to: <https://www.psychosocial.com/article/PR200272/9560/>.
19. КадироваМунираРасуловна, АхмедоваУктамхонЕркиновна, ТуйчиеваОдинаСобировна, ИминахуноваИродаХусеновна, ИсмаиловаСайёраТулкиновна. Teaching foreign vocabulary of the medical field to students of medical higher educational institutions. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020, Vol. 24 Issue 6, p.527-535. DOI: <https://doi.org/10.37200/IJPR/V24I6/PR260057>.
20. Сергеева Т. Новые информационные технологии и содержание обучения. Информатика и образование. 1991, - Но. 1, - пп. 3-10.
21. Ширматов С. The Technology of Development of a Culture of Students' Communication (Based on Social Networks) International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE), ISSN: 2278-3075, Volume-IX, Issue-II, December 2019. Aviable to: <http://www.ijitee.org/download/volume-9-issue-2>
22. Свит Хенри, Шренн, Чарльс Лесли. Transactions of the Philological Society. – London: Oxford University Press. 1946. vol. 46, pp. 177-201
23. Толипов У.К. Практика реализации инновационных технология в вузе// КрОГПИИм.Тараса Шевченко, 2013. – Вып. - С. 162-164.Ф.Барона,
24. ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “ЎзбекистонРеспубликасиниянадаривожлантиришбўйичаХаракатларстратегияси тўғрисида”гиФармони.UzbekistonRespublikasiPrezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 son “UzbekistonRespublikasiniyanadarivojlanitirishbo‘yichaHarakatlarstrategiyasitugrisida”giFarmoni. Aviable: www.lex.uz.